



ШАРИФ ЖУРЖОНИЙНИНГ БАЛОҒАТ ИЛМИГА ОИД МУҲИМ АСАРИ

Сулайманов Дилмурод Махамматжанович
Янги аср университети Мумтоз шарқ филологияси
кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20922808>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 22-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 24-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 26-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Саккокий, Тафтазоний,
“Мифтаху-л-улум”, “Ал-
Мисбах”, Кашфуз зунун,
балоғат, араб тили, луғат,
сарф, наҳв, Юксел Селик,
иқтибос.

ABSTRACT

Мақолада Саййид Шариф Журжонийнинг “Ал-Мисбах
фи шарҳи-л-мифтах” асари, унинг ёзилиши, асарнинг
номланиши ва ёзилишига туртки бўлган омилар,
асарнинг қўлёзма ва замонавий нашрлари, олимлар
томонидан асарга берилган таъриф, асарнинг
муаллифга мансублиги борасида сўз юритилган.

Аллома Саййид Шариф Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳусайн Журжонийнинг “Ал-Мисбах фи шарҳи-л-мифтах” – المصباح في شرح المفتاح (“Ал-Мифтах шарҳида шамчироқ”) китоби балоғат илмига оид асардир. Ушбу китоб аллома Абу Ёқуб Муҳаммад ибн Али Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” – مفتاح العلوم (“Илмлар калити”) асарининг балоғат илмига оид учинчи қисмига ёзилган шарҳ ҳисобланади.

“Ал-Мисбах” асари Саккокийнинг “Мифтаху-л-улум” асари учинчи қисмига ёзилган кўплаб шарҳлар орасида энг яхши ва кенг шарҳлардан бири ҳисобланади. Асар “Кашфуз зунун” китобида “Мифтаху-л-улум” асарига ёзилган энг яхши учта шарҳлардан бири эканлиги таъкидланган: “Олимлар бу китобни шарҳлаш ва уни мухтасар қилишга алоҳида эътибор қаратган. Асарнинг учинчи қисмига ёзилган шарҳлар жуда кўп бўлиб, уларнинг энг яхшиси учтани ташкил қилади. Улар – Аллома Қутбиддин Шерозийнинг шарҳи, Саъдуддин Тафтазонийнинг шарҳи ҳамда Саййид Шариф Журжонийнинг шарҳи”¹.

Шариф Журжоний “ал-Мифтах” асарини шарҳлашда мавзулар кетма-кетлигини сақланишига риоя қилган. Асарнинг айрим боб ва фасллари тартибини олдинга ўтказиш ёки ортга суриш каби ўзгартиришлар киритмаган. “Ал-Мисбах” муаллифи дастлаб Саккокийнинг сўзларини “قال” - “У бундай дейди”, деб “ал-Мифтах” асарининг матнини келтириб, кейин “أقول” - “Мен эса шундай дейман”, дея ўз шарҳларини келтиради. Баъзи ўринларда эса “قوله” - “Унинг сўзи шундай” деб муаллифнинг сўзларини келтиради-да, сўнгра уларни шарҳлашга киришади. Шарҳ давомида Саккокийнинг ибораларидан

مصطفى بن عبد الله حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. – بيروت: دار إحياء التراث العربي. 1941. ج 2. ص 1763.¹

назарда тутилган маъноларини очиқлаб, унинг фикрларига изоҳлар беради. Айримларини қўллаб-қувватлайди, баъзан ўз эътирозларини билдиради. Бу борада бошқа олимларнинг қарашларини ҳам келтириб, масалани таҳлил қилади.

Китоб муқаддимасида билдирилган фикрлар орқали унинг ёзилишига туртки бўлган омил ҳамда унинг “ал-Мисбаҳ” деб номланиш сабаби ҳақида хулоса қилиш мумкин. Саййид Шариф Журжоний муқаддимада қуйидаги фикрларни билдирган: “Мен “Мифтахул улум” асарининг учинчи қисмидаги қийин ўринларни очиб берадиган, чигалликларни кетказадиган бир шарҳ ёзишни анчадан буён кўнглимдан ўтказиб юрар эдим. Лекин замоннинг зайли билан бу иш анча вақт қолиб кетди. Кейин умримнинг охири даврида Мовароуннаҳр ўлкасига кўчиб ўтиш билан синалдим”².

Демак, муаллиф «Мифтахул улум» асарининг учинчи қисмига шарҳ ёзиш ҳақида кўп ўйлаган, лекин у яшаётган давридаги қийинчиликлар, уруш ва ғалаёнлар бунга йўл қўймаган. Мовароуннаҳрга кўчиб ўтганидан сўнг, бу ернинг илмга чанқоқ одамлари “ал-Мифтах” асарининг кўплаб шарҳларига мурожаат қилаётганига, аммо бу шарҳлар мукамал эмаслигига гувоҳ бўлади ва китобнинг айрим жойларини шарҳлаб, ундаги нозик жиҳатларни очиб беради. Шундан сўнг улар Шариф Журжонийдан асарнинг мазмунини кенг очиб берадиган бир мукамал шарҳ ёзиб беришини илтимос қилади. Журжоний эса уларнинг илтимосларига биноан ушбу шарҳни ёзишга киришади.

«Бу ерда илмга чанқоқ, ушбу китобни ўрганишга жидду жаҳд қилаётган, лекин унинг асл булоқларига ета олмаётган кўп одамларни кўрдим. Улар ушбу асарнинг маъноларини англаш, унинг нозик жиҳатларни кашф қилишда кўпчилиги яроқсиз, энг сараси ҳам етарлича камчиликлардан холи бўлмаган шарҳларга таянишар эди. Мазкур шарҳлар эса на касалга шифо, на ташнага даво бўладиган асарлар эди. Шунда биз уларга: **“Эй аҳли илмлар, ҳеч нарсага арзимайсизлар**³. Қасамки, сизлар худди **икки кафтини сувга узатиб, сув оғзига етишини кутган одамга**⁴ ўхшайсизлар. Сизларни бу бахтиқароликдан **нажот топтирувчи тижоратга далолат қилайми?**”⁵ дедик. Улар: **“Албатта, бу ажабланарли нарса!**⁶ Аввалги ота-боболаримизда **буни эшитган эмасмиз**”⁷, дейишди. Кейин уларга ўзимизнинг **буюк мўжизаларимизни кўрсатдик**⁸. Улар эса: “Бизга келган очиқ-ойдин ҳаққа иймон келтирдик. Ўзинг илмимизни янада зиёда қилгин, **ишимизни ўзинг тўғрилагин**”⁹, дейишди. Сўнгра бор диққатимизни уларнинг талабларини бажо келтиришга қаратдик”¹⁰.

Шариф Журжоний мазкур муқаддимада Мовароуннаҳр аҳолиси Саккокийнинг “ал-Мифтах” асаридаги нозик нуқталари, айрим тафсилотлари ва чуқур маъноларидан етарли даражада хабардор эмасликларини таъкидлаган. Шундан келиб чиқиб, муаллиф

² السيد الشريف الجرجاني. المصباح في شرح المفتاح. – بيروت: دار الكتب العلمية. 2022. ص 33.

³ Муаллиф ушбу ўринда иқтибос санъатидан фойдаланган. У балоғат илмидаги санъат турларидан бири бўлиб, унда Қуръон ва ҳадис матнлари муаллифнинг сўзи сифатида келтирилади, Қуръон ва ҳадисдан олинганига ишора қилинмайди. Ушбу ўринда келтирилган матннинг асли Моида сурасининг 68-оятига мувофиқ келади.

⁴ Раъд сураси, 14-оят

⁵ Саф сураси, 10-оят

⁶ Сод сураси, 5-оят

⁷ Мўминун сураси, 24-оят

⁸ Тоҳа сураси, 23-оят

⁹ Қаҳф сураси, 10-оят

¹⁰ السيد الشريف الجرجاني. المصباح في شرح المفتاح. ص 33-34.

ўзининг шарҳини “ал-Мифтах” асаридаги масалаларни тўғри тушуниш ва унинг маъноларини кенг очиб бериш йўлида зиё ва нур бўлиши умидида “ал-Мисбаҳ” яъни “Шамчироқ” деб атаган бўлиши мумкин.

“Ал-Мисбаҳ” асарининг Саййид Шариф Журжонийга мансублиги борасида бирорта олим ёки тарихчи шубҳа қилганлиги ёки эътироз билдирганлиги ҳақида маълумот кўзга ташланмайди. Шунингдек, китобнинг қўлёзма нусхаларида ҳам китоб бошқа бир муаллифга мансуб эканлиги қайд этилмаган. Деярли барча “тарожим” китобларида ушбу китоб Саййид Шариф Журжонийга мансуб эканлиги ҳеч бир истисносиз таъкидланади. Бундай асарларга “Кашфу-з-зунун”¹¹, Броккелманн¹², ад-Довъу-л-ламиъ¹³, “Ҳадийяту-л-арифин”¹⁴, “Мифтахус саъада”¹⁵ ва бошқа кўплаб манбаларни келтириш мумкин. Шундан келиб чиқиб, мазкур китобнинг муаллифи Шариф Журжоний эканлиги хулоса қилинади.

“Ал-Мисбаҳ” асарининг нусхаларини кўплаб топиш мумкин. Мазкур қўлёзма нусхалар ҳажми, ёзув хати, қаторлар сони жиҳатидан турличадир. Катта ҳажмдаги, ўрта ҳажмдаги, кичик ҳажмдагилари ҳам бор. Яна улар фақат бир давр билан ҳам чекланмасдан, турли даврларда ёзилганлиги алоҳида эътиборга молик. Жумладан, “Азҳари шариф” кутубхонасида асарнинг еттита, “Дару-л-кутуби-л-мисрийя” кутубхонасида эса ўндан ошиқ нусхалари сақланади. Асарнинг қўлёзма нусхалари кўплаб интернет сайтларида жойланган. Биргина www.ketabpedia.com ва www.almoqtabas.com сайтларида асарнинг ўн биттадан қўлёзма нусхалари юкланган ва уларнинг ҳар бирига тавсифлар берилган¹⁶. Бу эса асарнинг турли асрлар давомида турли ўлкаларда кенг тарқалгани ва ундан соҳа мутахассислари кенг фойдаланиб келганини кўрсатади.

Асарнинг учта замонавий нашрлари тайёрлангани аниқланди. 1977 йил Азҳар университети араб тили факултетига Фарид Муҳаммад Бадвий Наклодий¹⁷ томонидан докторлик илмий иши сифатида китобнинг қўлёзма нусхалари таҳлил қилиниб, асарнинг замонавий нашри тайёрланган¹⁸. 2009 йилда Истанбулда Мармара университети Илоҳиёт факултети Араб тили ва балоғати бўлимида Юксел Селик¹⁹ томонидан докторлик иши сифатида асар қўлёзма нусхалари асосида замонавий нашри тайёрланган. 2022 йил Муҳаммад Абдуссалом Иброҳим таҳқиқи остида Байрутда “Дару-л-кутубу-л-илмия” нашриётида асарнинг замонавий нашри чиқарилган.

Саййид Шариф Журжоний асарлари шарҳ ва ҳошия ёзувчи кўплаб олимларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлган. “Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-мифтах” асарига ҳам қатор ҳошиялар ёзилган. Улар кўпроқ асардаги сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш,

¹¹ حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. ج 2. ص 1763.

¹² شوقي ضيف. تاريخ الأدب العربي. - مصر: دار المعارف. 1995-1960. ج 5. ص 543.

¹³ شمس الدين أبو الخير السخاوي. الضوء اللامع لأهل القرن التاسع. - بيروت: دار مكتبة الحياة. ج 5. ص 369.

¹⁴ إسماعيل باشا البغدادي. هدية العارفين أسماء المؤلفين وآثار المصنفين. - دار إحياء التراث العربي بيروت. 1951. ج 1. ص 729.

¹⁵ أبو الحسنات محمد عبد الحي اللكنوي. الفوائد البهية في تراجم الحنفية. - مصر: دار السعادة. 1906. ص 125-127.

¹⁶ <https://www.almoqtabas.com/ar/manuscripts?find=%D8%A7%D9%84%D9%85%D8%B5%D8%A8%D8%A7%D8%AD+%D8%B4%D8%B1%D8%AD+%D9%85%D9%81%D8%AA%D8%A7%D8%AD+> (24.09.2024 йил

ҳолатига)

¹⁷ فريد محمد بدوي النكلادي

¹⁸ <https://ebook.univeyes.com/109420> (24.09.2024 йил ҳолатига)

¹⁹ Çelik, Yüksel

муаллифнинг сўзларини асослаб бериш, унинг фикрлари ва хулосаларини далиллаш, айрим ўринларда эътирозлар билдириш маъносида ёзилган. Бу ҳошиялар ҳажмининг катталиги ва сўзларнинг луғавий маъноларига кўпроқ эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Шунингдек, сўзларнинг маънодошлари, ўзаги ва ишлатилиш ўринлари каби масалаларга киришилган. Муҳаммад ибн Мусо Буснавий, Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Хофажий, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Мусаннифак, Муҳиддин Шайхзода, Шамсиддин Муҳаммад ибн Ҳамза Фанорий²⁰, Закарийе ибн Байром, Али Мунақ, Мавло Али ва Амир Ҳасан каби олимларнинг ҳошиялари “Ал-Мисбаҳ” асарига ёзилган ҳошиялар бўлиб, “Кашфуз зунун” асарида Шариф Журжонийнинг ушбу шарҳига ёзилган йигирмадан ортиқ ҳошиялар зикр қилинган²¹.

Юқоридаги фикрлар асосида Сайид Шариф Журжонийнинг “Ал-Мисбаҳ фи шарҳи-л-мифтаҳ” асари балоғат илмида муҳим ва алоҳида ўринга эга манба эканлигини хулоса қилиш мумкин. Асарлар давомида олимлар томонидан асар кенг фойдаланиб келинган. Ушбу асарни ўрганиш ва унда илгари сурилган қарашларни илмий таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шарифов Зокиржон. Балоғат фанидан ўқув қўлланма. Илми баён ва бадеъ қисмлари. – Тошкент: “Мовароуннахр” 2014.
 2. Рустамий С. Балоғат илми. – Тошкент, 2020.
 3. Рустамий С. Ўрта асрлар балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. – Т. 2019.
 4. М. Носирова. Араб тили стилистикаси. Тошкент. 2018
 5. Ғ.О.Бобожонов. “Ҳайратул аброр” балоғат илми контекстида” диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2022.
- مصطفى بن عبد الله حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. – بيروت: دار إحياء التراث العربي. 1941. ج. السيد الشريف الجرجاني. المصباح في شرح المفتاح. – بيروت: دار الكتب العلمية. 2022. م شوقي ضيف. تاريخ الأدب العربي. – مصر: دار المعارف. 1960-1995. م شمس الدين أبو الخير السخاوي. الضوء اللامع لأهل القرن التاسع. – بيروت: دار مكتبة الحياة. ج. إسماعيل باشا البغدادي. هدية العارفين أسماء المؤلفين وآثار المصنفين. – دار إحياء التراث العربي بيروت. 1951. م. أبو الحسنات محمد عبد الحي اللكنوي. الفوائد البهية في تراجم الحنفية. – مصر: دار السعادة. 1906. م
- www.ketabpedia.com
www.almoqtabas.com
www.ebook.univeyes.com

²⁰ Фанорийнинг ҳошияси Қоҳирада Фавзий Ийд Бахит Абдулҷол томонидан магистрлик илмий иши сифатида замонавий наشري тайёрланиб, 2022 йилда Дару-л-иҳсан нашриётида нашр қилинган, икки жўздан иборат.

²¹ حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسامي الكتب والفنون. ج 2. ص 1762-1766.